Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 26-dekabr, payshanba № 155 (3348)

## Матбуот анжумани



# Фаолиятда изчиллик ва самарадорлик таъминланди

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Миллий матбуот марказида «Ижтимоий меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросида касаба уюшмаларининг тутган ўрни» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди. Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаева амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.***

### Ижтимоий шериклик

Анжуманда қайд этилганидек, мустақилликнинг илк давридан мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилиши натижасида меҳнат соҳасидаги муносабатларни самарали тартибга солишнинг ишчан ҳуқуқий негизи яратилди.

Ходимларнинг самарали меҳнат қилишида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланганлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Мазкур йўналишдаги ишлар мамлакатимизда уч томонлама ижтимоий шериклик, яъни давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида амалга оширилади. Ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасидаги ижтимоий шериклик касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ўрнатилади. Эътиборли жиҳати, Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси томонидан имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув ҳар қандай муаммони жойида ва малакали ҳал қилиш имконини бераётир.

Шу асосда мамлакатимиз миқёсида амал қилаётган 86 та тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасидаги 14 та ҳудудий келишув, бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган 93 минг 805 та жамоа шартномаси орқали ходимлар манфаатлари ҳимояси кучайтирилмоқда. Хусусан, жамоа келишувлари орқали ходимлар узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллардан фойдаланмоқда. Тармоқ келишувларига қонун ҳужжатларида кўрсатилганидан юқорироқ қўшимча тўлов ва имтиёзлар киритилаётир. Шунингдек, уларда ижтимоий кафолатлар, соғлиқни муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, жумладан, болаларни соғломлаштиришни ташкил этиш масалалари ўз ифодасини топган.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмаси ҳамда иш берувчи ўртасида имзоланаётган жамоа шартномаларига хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга оид янги банд ва бўлимлар киритилди. Бу хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтирди. Қатор тармоқларда жамоа шартномаси орқали ходимларнинг бевосита ва билвосита даромадлари оширилмоқда. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган.

Шунингдек, жамоа шартномалари орқали ходимларнинг касби, малакаси ва меҳнат шартномасига биноан тўла бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш ишлари амалга оширилмоқда.

***(Давоми 2-саҳифада).***

## Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 70 йиллиги

# Истиқлол ва илм-фан тараққиёти

Тошкентда 25 декабр куни «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мустақиллик йилларида» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди

***Унда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, Фанлар академиясининг илмий муассасалари, олий ўқув юртлари, илмий ҳамда тажриба-конструкторлик марказлари, халқаро ташкилотлар ходимлари, Хитой, Россия, АҚШ, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон каби дунёнинг ўндан зиёд давлатидан илмий ҳамжамият вакиллари иштирок этди.***



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов ишлаб чиқаришни илғор технологиялар негизида сифатли янгилаш ҳисобидан жадаллаштириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга асосланган инновацион иқтисодиётни шакллантириш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши эканини таъкидлади. Шу мақсадда илмий-техник соҳани мустаҳкамлаш, хусусан, истиқлол йилларида илмий тадқиқотлар олиб бориладиган ва интеллектуал инновацион маҳсулотлар яратиладиган етакчи марказга айланган Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Фанлар академиясини янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаштириш, иқтисодиётимиз эҳтиёжларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорида муносиб рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун шарт-шароит яратиш, инновацион фикрлай оладиган янги авлод илмий кадрларини тайёрлашга оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Фанлар академияси илм-фан, техника, маданият ва маърифат соҳаларида долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бораётир. Ўз илмий муассасаларининг самарали фаолият юритиши, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, илм-фан ютуқлари ҳамда технологияларини амалиётга ўз вақтида жорий этишни таъминлаб, юқори малакали илмий кадрлар тайёрламоқда. Бу эса мамлакатимизнинг интеллектуал, иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Конференцияда айни пайтда Фанлар академияси ўз таркибида 32 илмий-тадқиқот муассасаси, жумладан, 23 йирик илмий-тадқиқот институти, илмий марказ, ихтисослаштирилган конструкторлик технологик бюроси, тўртта музей, шунингдек, иккита илмий-тадқиқот институтига эга Қорақалпоғистон бўлими ҳамда Хоразм Маъмун академиясини бирлаштиргани қайд этилди.

***(Давоми 2-саҳифада).***

## Янгиликлар оқимидан

### ФАРҒОНА

***Намунавий лойиҳалар асосида турар жой массивларини қуриш, замонавий инфратузилмани бунёд этиш борасида Қуйи Яккатут ҚФЙда амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.***

### ОБОД МАНЗИЛЛАР

Муроджон Умурзоқов раҳбарлик қилаётган «Тошлоқ қурилиш таъмирлаш» хусусий корхонаси қурувчилари бунёд этган 20 та уй-жойга кўчиб ўтган юртдошларимиз айни кунларда ҳовли тўйларини нишонламоқда. Шунингдек, Арабмозор ҚФЙ «Терактаги» маҳалласида ҳам жорий йилда 30 та уй-жой ўз эгаларига топширилди.

— Янги қурилган уй соҳибига айланганимиздан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди фермер Тоҳиржон Қўшақов. — Бу биз учун Обод турмуш йилидан эсдалик бўлиб қоладиган бўлди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

### НАВОИЙ

***Вилоятда 140 та қишлоқ врачлик пункти, 10 қишлоқ участка шифохонаси, 100 дан зиёд бирламчи тиббий-санитария ёрдамчи филиаллари мавжуд бўлиб, истиқлол йилларида 81 та қишлоқ врачлик пункти янгидан қурилиб, 58 таси реконструкция қилинди.***

### ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Эътироф этиш лозимки, 90 та ҚВП «Саломатлик — 1» лойиҳаси асосида 99 турдаги 2,5 млрд. сўмлик тиббий анжомлар билан жиҳозланган. «Саломатлик — 2», «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» лойиҳалари шарофати билан 47 та ҚВП ҳамда туғруқхоналарнинг моддий техник базаси яхшиланди. Тиббиёт муассасалари 1,5 млрд. сўмга тенг 65 турдаги тиббий ускуналар билан таъминланди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Тадбир

# Юксак эҳтиром

***Пойтахтимизда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида «Йил аёли» танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва бошқа давлат мукофотлари билан тақдирланган аёллар, турли соҳаларда фаол иштирок этаётган хотин-қизлар қатнашдилар.***

2007 йилдан буён 3 босқичда ўтказиб келинаётган ушбу танловда иқтидорли, жамиятда муносиб ўринга эга аёллар қаторида фарзандларини соғлом ва баркамол этиб тарбиялаётган уй бекалари ҳам қатнашиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида 120 мингдан ортиқ аёл танлов иштирокчисига айланди. Жорий йилда эса танловнинг қуйи босқичларида 30 мингдан зиёд аёл ўз имкониятларини синаб кўрди.

Номзодларни саралашда асосан уларнинг аёллар муаммоларини ҳал этиш, иш ўринлари яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда юз бераётган янгиланишларга қўшаётган ҳиссаси инобатга олиниб, амалий самара берадиган лойиҳалари қўллаб-қувватланганлиги алоҳида қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда республика босқичи ғолиблари «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Ташаккурномаси», ҳамкорлар ва ҳомийларнинг совғалари билан тақдирланди.

— Шарқда азалдан аёл зотига юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган, — дейди Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Нилуфар Тожибоева. — Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Йилларни номлаш, давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш бўладими, барча-барчасида аёлга, унинг оиласи ва фарзандларига алоҳида меҳр, эътибор мавжуд.

Республикамизда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оиланинг моддий аҳволини яхшилаш, аёлларга бола парваришида шарт-шароитлар яратиш, тиббий хизматлардан бепул фойдаланиш, қизларимизнинг таълим олиши учун грант маблағлари ажратиш каби хайрли ишларнинг амалга оширилаётгани юртимиз хотин-қизлари ҳаётида катта ўзгаришлар ясамоқда.

Бугунги кунда аёлларнинг маҳаллалар, оилалардаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвиши ва муаммоларини сабр-тоқат, оқилалик билан ҳал этиш, фарзандларини баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳот ва янгиланишлар жараёнида қўшаётган улуши ҳар қанча эътирофга сазовор.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Обуна — 2014

***Вақт югурик. Ҳаётимизнинг ҳар бир куни эса янгиликларга лиммо-лим. Юртимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кенг аҳоли қатламига етказишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёс. Хўш, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ходимлари бу масъулиятли вазифани қандай уддалашяпти? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида Тошкент вилояти ва пойтахтимиздаги қатор корхона ва ташкилотларда бўлиб, муштарийларнинг фикри билан қизиқдик, таклиф ва тавсияларини ўргандик. Шунингдек, обуна жараёни билан танишдик.***

# Кўнгилларга йўл топиб...

### ТАЖРИБАГА ТАЯНГАН ЮТАДИ

Тугалланаётган йил «Пахтасаноат илмий маркази» касаба уюшма қўмитаси учун омадли ва самарали кечди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида бошланғич ташкилот раиси Н. Камолов ЎзКУФКнинг «Эҳтиром» нишонига сазовор бўлди. Шу билан бирга, Нодавлат нотижорат ташкилотлар Миллий форумида махсус ташаккурнома билан тақдирланди. Бундан ташқари, ЎзКУФК ташаббуси билан ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ижтимоий соҳа йўналишида республика финал босқичи ғолиблигини қўлга киритди.

Марказ фаолияти билан танишарканмиз, бу ютуқлар омили, аввало, билим ва тажрибага таянган ҳолда иш юритилиши, икки томонлама ижтимоий шериклик асосида жамоада муносиб меҳнат шароити яратилгани билан изоҳланишига гувоҳ бўлдик.

— Ҳар йили «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига обуна бўламиз, — дейди марказ касаба уюшма қўмитаси раиси Нажмиддин Камолов. — Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари ҳамда соҳада олиб борилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар газета саҳифаларидан кенг ўрин эгалламоқда. Шахсан менга «Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танлови доирасида чоп этилган туркум мақолалар, очерк ва лавҳалар жуда манзур бўлди. Орамизда меҳнат қилаётган фидойи инсонларнинг фаолияти, тақдири, ўй-кечинмалари акс этган мақолаларни ўқиб, ҳар бир киши, албатта, ундан ибрат олади. Таклифим — ёшлар ҳаёти ёритилган мақолаларни янада кўпайтириш зарур. Мисол учун, баъзан адашиб, турли оқимларга кириб кетаётган ёшлар ҳақида эшитамиз. Бунинг сабаби, албатта, билимсизлик. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Мусулмонлар идораси ҳамда дин ишлари қўмитаси вакиллари билан ҳамкорликда диннинг мазмун-моҳияти ёки турли ёт оқимлар мақсади ҳақида батафсил суҳбатлар бериб борилса, яхши бўларди. «Оқил ота ўгитлари», «Билмаганимизни ўрганамиз» рукни остида тарбиявий ҳикоялар кўпайтирилса... Иккинчи таклифим: тизимда кўплаб танловлар ўтаяпти. Танлов ғолибларининг фаолиятига чуқур кириб бориб, тажрибаси кенг ёритилса, ўйлайманки, бу бошқа бошланғич ташкилотларга иш ўрганиш борасида асқотади.

***(Давоми 4-саҳифада).***

## Касаба сайр

**Касаба уюшмалари томонидан деярли кунда-кунора меҳнаткашларнинг қадимий шаҳарларимиз, тарихий қадамжолар бўйлаб саёҳатлари ташкиллаштирилаётир. Айниқса, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд сайёҳларга ўзгача таассурот улашмоқда. Шаҳар истиқлол йилларида ўзгача тароват касб этди. Бу диёрда бир марта бўлган киши яна келишни дилига тугади.**

# Ёдда қоладиган бўлди

Куни кеча Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани меҳнаткашлари Самарқандни зиёрат қилишди. ЎзКУФК қошидаги «Касаба сайр» шўъба корхонаси, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда туман ҳокимлиги ва тармоқ касаба уюшмалари туман кенгашлари ҳамкорлигида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб улуш қўшаётганлардан бир гуруҳига шундай имконият яратиб берилди. 120 кишидан иборат саёҳатчилар орасида турли соҳа вакилларини учратиш мумкин.

— Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлганман. Аммо бу сафаримиз узоқ вақт эсда қоладиган бўлди, — дейди «Жондос» фермер хўжалиги раҳбари Дониёр Шегебоев. — Тезюрар «Афросиёб» поездида манзилга қандай етиб келганимизни билмай қолдик. Тошкент, Самарқанд темирйўл вокзалларида йўловчиларга яратилган шароитни айтмайсизми?! Юртимизга кўз тегмасин...

Маълумки, Самарқандга келган киши, энг аввало, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳоки пойини зиёрат қилишга ошиқади. Саёҳатчилар ўтирган автобуслар дастлаб табаррук маскан сари йўл олди.

— Президентимиз ташаббуси билан юртимиздаги муборак қадамжолар ободонлаштирилди, улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди, — дейди Юқори Чирчиқ тумани бош имом-хатиби Сирожиддин Оқилхонов. — Сир эмас, Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи истиқлолимизгача абгор аҳволда эди. Бугун бу маскан дунё аҳлини ўзига ошуфта этаётир. Гувоҳи бўлганимиз ободликдан кўнгилларга нур оқиб киргандек бўлди.

Меҳмонлар Мирзо Улуғбек расадхонаси, Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда, Бибихоним мемориал ёдгорликларини ҳам зиёрат қилишди.

— Вазифамиз ёш авлодга таълим-тарбия бериш, — дейди тумандаги 7-мактаб директори Нуриддин Ёқубов. — Албатта, юртимиз тарихи, аждодларимиз қолдирган асори-атиқалар ҳақида уларда тасаввур уйғотишимиз лозим. Тарихий шаҳарларимизни кўрмай туриб, бу ҳақда сўз юритсак, фикримиз жонли чиқмайди. Жамоамиздаги ҳар бир муаллимни буюк меросдан баҳраманд этишни дилимга тугиб қўйдим.

Саёҳат доирасида касаба уюшмалари тасарруфидаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси билан яқиндан танишилди.

Сайёҳлар замонавий тарзда қайтадан бунёд этилган «Сиёб» бозорида ҳам бўлишди.

— Бир кунлик сафардан катта таассурот олдик, — дейди туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Обиджон Салимов. — Шаҳардаги улкан бунёдкорлик қалбимизни ром этди. Бундай улуғ ишларга юртимиздаги тинчлик-тотувлик имкон яратганига яна бир карра имон келтирдик. Тилагимиз шуки, бундан буён ҳам осмонимиз мусаффо бўлсин, оқибатли халқимиз ўз меҳнати роҳатини кўриб яшасин.

Мазмунли саёҳатдан сўнг меҳмонлар «Афросиёб»да пойтахт сари йўл олишди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Кўнгилларга йўл топиб...

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

**ТАДБИРКОР ҲАМ ШИНАВАНДА**

«Тошбозорсавдо» уюшмаси касаба уюшма қўмитаси 18 та цех бошланғич ташкилоти орқали 1500 нафардан зиёд аъзони бирлаштирган. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари жамоа шартномаси билан мустаҳкамланган. Жорий йилда ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун 2 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ёзги мавсумда кам таъминланган оилаларнинг 12 нафар фарзанди имтиёзли равишда, 3 нафар бола эса «Оқтош», «Сўғдиёна-Сойлиқ» оромгоҳларида бепул дам олдирилди. 12 нафар эҳтиёжманд ишчига моддий кўмак кўрсатилди. Ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда қишки мавсум учун 14 млн. сўмлик кийим-бош тайёрлаб берилди. 50 нафар ходимнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.







Янги йил байрами муносабати билан меҳнаткашлар фарзандларига 3 млн. сўмлик совғалар улашилмоқда.

— Касаба уюшмалари тизимида кечаётган ислоҳотлар, бошланғич ташкилотларга берилаётган эътибор янада масъулиятли бўлишимизни тақозо этаётир, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Адҳамжон Эргашев. — Айниқса, жорий йилдан бошлаб бошланғич ташкилотларнинг молиявий имконияти кенгайтирилгани, шунингдек, ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш борасида татбиқ этилаётган имтиёзлар барчани руҳлантирди. Бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталаридан кўпроқ маълумот оламиз. Касбим журналист бўлгани боис газетада чиқаётган ҳар бир мақолага эътибор қаратиб, ҳар бир сонини диққат билан кузатаман. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти акс этган мақолалар «Нодавлат секторда» рукни остида нодавлат секторда касаба уюшма ташкилотлари тузиш, аъзоликка жалб этиш ишларини синчиклаб ўқийман. Истардимки, 4-саҳифа кичик ҳажвия, эссе ва лавҳалар билан янада бойитилса...

Соғлом бола йили муносабати билан саломатлик ҳамда ёш оналар учун бола тарбиясига доир мутахассислар чиқиши ва суҳбатлар бериб борилса, газета янада ўқишли бўларди.

**БИРИНЧИ ЎҚУВЧИМИЗ**

— «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари корхонамизда чоп этилиши боис, биринчи ўқувчиси ҳам ўзимиз, албатта, — дейди «Шарқ» нашриёт-матбаа уйи акциядорлик компанияси касаба уюшма қўмитаси раиси Ғулом Ҳакимов. — Кейинги пайтда газета ранг-баранг мақолалар билан боймоқда. Эътиборли жиҳати, бошқа нашрларга қараганда «Ishonch»да чет муаллифлар фаол қатнашади. Юртимизнинг чекка қишлоқларида яшовчи турли касб эгаларининг мушоҳадага чорловчи мақолалари киши эътиборини тортмай қолмайди. Яна бир жиҳати, хабар ва янгиликларга кенг ўрин ажратилади. Янги йилда газета саҳифаларидан қизиқарли фотолавҳалар ўрин олишини таклиф қилган бўлардим.

Биламизки, катта корхоналарда цех касаба уюшма қўмиталари мавжуд. Уларда олиб борилаётган ишларга ҳам чуқурроқ ёндашилса, фойдадан холи бўлмасди.

**КАСБ МАШАҚҚАТИ**

— Журналистика касбини игна билан қудуқ қазишга қиёслаш мумкин, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши етакчи мутахассиси Улуғбек Пўлатов. — Чунки, газетада меҳнат қилишнинг ҳам ўзига яраша заҳмати бор. Ҳар бир мақола кўз нури, қалб қўри ва юксак салоҳият меваси сифатида яралади. Ижодкор пайти келганда уйқудан, ҳаловатидан воз кечиб, инсонлар дарди билан яшайди. Ёзаётган мақоласи орқали кимгадир наф келтирса, ўзини дунёдаги энг бахтли инсон ҳисоблайди. Кўп йиллардан буён касаба уюшмалари тизимидаги фаолиятим давомида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти билан ҳамкорлик қилиб келаман. Ушбу нашр олиб бораётган ишларимизни тарғиб қилишда яқин кўмакчи.

Таклифим: фуқаролар мурожаатини ўрганиш, муаммоларни бартараф этиш юзасидан мақолалар кўпайтирилиб, газетанинг ҳар бир сонида ҳуқуқий савол-жавоб ва маслаҳатлар ёритилишини хоҳлардик. Бу касаба уюшмаларига аъзо бўлаётган ёшлар ҳамда меҳнаткашлар учун фойдали бўларди.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

***

Шундай учрашувларнинг бири Тошкент вилоятининг Зангиота туманида бўлиб ўтди.

— Туманимиз асосан полиз ва сабзавот, мева етиштиришга ихтисослашган, — дейди туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Доно Рихсиева. — Айни вақтда кенгаш тасарруфида 42 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз атрофига 6471 нафар ишчи-хизматчи ҳамда 5539 нафар талабани бирлаштирган. Айни вақтда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тармоғимиздаги ҳар бир бошланғич ташкилотга етиб бормоқда.

Дарҳақиқат, кейинги вақтда туман кенгаши ҳамда бошланғич ташкилотлар меҳнаткашларнинг оғирини енгил қилиш учун барча имкониятни ишга солишяпти. Шу ўринда фактларга мурожаат этсак. Жамоа шартномалари ҳамда келишувлар орқали Обод турмуш йилида кам таъминланган оилаларнинг 60 тасига 13 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган ёш оилаларнинг 30 таси моддий қўллаб-қувватланди.

— Кенгашимиз бу йилги обунага жиддий эътибор қаратди, — дея суҳбатни давом эттирди суҳбатдошимиз. — Ўйлаймизки, бугунги учрашувдан сўнг ўқувчилар сафи янада кўпаяди.

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида экинларнинг янги навларини яратиш, етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу ерда 110 нафардан зиёд илмий ҳамда илмий-техник ходим меҳнат қилади.

— Институт ташкил этилгандан буён сабзавот, полиз ва картошка экинларининг 170 дан зиёд нави яратилди, — дейди касаба уюшма ташкилоти етакчиси Дилшод Турсунов. — Жамоамизда ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Институтимиз юқори малакали кадрларни етиштиришда ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Шу кунгача бу ерда 75 дан зиёд фан докторлари ҳамда номзодлари тайёрланди. «Ishonch» газетаси севимли нашрларимиздан. Шундоққина фойега кираверишда касаба уюшмалари нашрларини осиб қўйганмиз.

**Мастура Ҳалилова, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим:**

— «Ishonch»ни мунтазам ўқиб бораман. Айниқса, ахлоқий мавзудаги мақолалар жону дилим. Чунки айрим ёшларнинг жамоатчилик ўртасида ўзини тутишини кўриб хафа бўлиб кетасиз. Шундай вақтда ўзимга-ўзим «уларнинг ота-оналарида соғлом тарбия ҳақида тушунча берармикан», дея ўйлайман. Шу боис фарзанд тарбиясига доир мақолалар чоп этилса, газеталар янада ўқимишли бўларди.

**Анвар Раҳматов, кичик илмий ходим:**

Касаба уюшма қўмитаси аъзоси бўлганим боис бошланғич ташкилотларнинг илғор иш тажрибалари тўғрисидаги мақолаларни кўпроқ мутолаа қиламан. Шу ўринда бир таклифим бор. Тармоғимизга оид фан янгиликларидан ҳам ўқувчиларни тез-тез воқиф этиб турилса, айни муддао бўларди.

Таҳририят ижодкорлари «Муҳаммаджон Фозилов Нур» агрофирмасида ҳам бўлишди.

— Агрофирмамиз узумчиликка ихтисослашган бўлиб, бу ердаги машҳур боғбонлар «Фаррух асл боғлари» фермер хўжалиги раҳбари Фатхулла Қурбонов, «Ракия-Раъно» фермер хўжалиги раҳбари Шерали Бойметов, «Насиба-Чарос» фермер хўжалиги раҳбари Зоҳиджон Ортиқов ҳақиқатан ўз ишининг усталари, — дейди касаба уюшма қўмитаси етакчиси Малика Қурбонова. — Бошланғич ташкилотимиз ўз атрофига 711 нафар аъзони бирлаштирган. Маъмурияти билан имзоланган жамоа шартномасида кўрсатилган барча имтиёзлардан ҳар бир аъзомиз тўла фойдаланиб келмоқда.

**Тўқинбой Бердиев, «Эркинбой-Хабиба файз» фермер хўжалиги раҳбари:**

— 18,5 гектар узумзоримиз бўлиб, 32 нафар аъзомиз бор. Ўзим деҳқон фарзандиман. Ерга ишлов беришда турли ўғит ва кимёвий воситаларга эҳтиёж сезамиз. Шу боис улар билан савдо қилувчи турли ташкилотлар ҳақида маълумотлар бериб борилса, бизга анча ёрдам бўларди.

**Равшан Эшпўлатов, «Зулфия-Чарос боғбон» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Жорий йилда 62 нафар аъзомиз кўмагида 5,8 тонна узум етиштирдик. Бу ишда «М.Фозилов максимум ММТП» парки оғиримизни енгил қилди. Етиштирилган ҳосилни «Меҳнат» ҳамда «Матонат» МЧЖга топширдик. Бир илтимосим, газетада республикамиздаги кўзга кўринган фермерларнинг илғор иш тажрибалари ҳақида ҳам маълумотлар берилса.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Объектлар номи:

**1. «Фарғона вилояти, Данғара «Тиббиёт бирлашмаси» ҳудудида 34 ўринли юқумли касалликлар корпуси қурилиши».**

*Бошланғич нархи* — **1 360 814 333 сўм ҚҚСсиз ва 1 632 977 200 ҚҚС билан.**

*Муддати* — **1.08.2014 й.**

**2. «Фарғона вилояти, Бувайда тумани «Тиббиёт бирлашмаси»ни мукаммал реконструкция ишлари» (2014 йилда 95 ўринли терапия бўлими қурилиши, 2015 йилда 165 ўринли барча бинолари реконструкцияси).**

*Бошланғич нархи* — **2 066 010 167 сўм ҚҚСсиз ва 2 479 212 200 ҚҚС билан.**

*Муддати* — **1.08.2014 й.**

**3. ЛОТ-1**

**ЛОТ 1-1 «Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Учкўприк марказидаги №1 мактаб-интернатни мукаммал реконструкция ишлари» (мавжуд бинони реконструкция қилиб ётоқхонага мослаштириш, 210 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки ва 9x18 метрли спортзал қурилиши).**

*Бошланғич нархи* — **735 319 750 сўм ҚҚСсиз ва 882 383 700 ҚҚС билан.**

*Муддати* — **1.08.2014 й.**

**ЛОТ 1-2 «Фарғона вилояти, Фурқат тумани, Жангкетмон қишлоғидаги №34 мактабни мукаммал реконструкция ишлари» (80 ўринли ТП 224-6-46с.04 қўшимча ўқув блоки қурилиши билан).**

*Бошланғич нархи* — **376 621 667 сўм ҚҚСсиз ва 451 946 000 ҚҚС билан.**

*Муддати* — **1.08.2014 й.**

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади. 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

**КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**4ЛОТ-1**

**ЛОТ 1-1 «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Ёрмозор қишлоғидаги Фарғона политехника институти қошидаги Академик лицейни мукаммал таъмирлаш».**

*Бошланғич нархи* — **252 588 800 сўм ҚҚС билан; 210 490 667 сўм ҚҚС сиз.**

**ЛОТ 1-2 «Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Туркистон кўчаси, 30-уйдаги «Педагогика» касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш».**

*Бошланғич нархи* — **339 672 500 сўм ҚҚС билан; 283 060 417 сўм ҚҚС сиз.**

*Муддати* — **1.08.2014 йил.**

**5. ЛОТ-5**

**ЛОТ-5.1 «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Пушкин кўчаси, 62-«А»даги 25-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш».**

*Бошланғич нархи* — **1 252 869 529 сўм ҚҚС билан; 1 044 057 940 сўм ҚҚС сиз.**

**ЛОТ-5.2 «Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Яккатут қишлоғидаги 620 ўқувчи ўринли 15-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш».**

*Бошланғич нархи* — **572 987 700 сўм ҚҚС билан; 477 489 750 сўм ҚҚС сиз.**

*Муддати* — **01.08.2014 йил.**

**Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови —100%.**

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, тел: (373) 400-52-80.

Қурилиш-монтаж ишлари: Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим килишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37- уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.**

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (офերталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уйда ўтказилади.

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Объект номи:

**«Фарғона вилояти Сўх туманида 150 қатновли (II тип) 30-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши».**

*Муддати* — **20.08.2014 йил.**

*Бошланғич нархи* — **2 211 458 255 сўм ҚҚС сиз ва 2 653 749 906 сўм ҚҚС билан.**

Буюртмачи: Вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй. Тел: (373) 400-52-80.

Қурилиш ишлари: Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

***Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.***

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

*Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси. 37-уй. Телефон/факс:* 373-244-55-32.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертaларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади. Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳри, *Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй* манзилида ўтказилади.

**Хизматлар лицензияланган.**

Сарчашма

## Тилак

*Чаман-чаман очилган гуллар*
*Шу тупроқнинг орзу- умиди.*
*Ватан меҳри бўлиб сочилар*
*Шу гулларнинг муаттар ҳиди.*

*Мовий кўкни тўлдирган қушлар*
*Тўлиб-тошиб куйлар бахтини.*
*Шу қушларга қўшилиб мен ҳам*
*Куйлай деймaн Ватан мадҳини.*

*Тақдир менга ногиронликни*
*Раво кўрди ёшлик чоғимдан.*
*Аммо, Ватан меҳри яшнайди*
*Умид тўла кўнгил боғимда.*

*Мен бахтлиман, чунки юртимда*
*Меҳр-оқибат нур сочар доим.*
*Халқим билан бир бутундирман,*
*Паноҳингда асра, илоҳим!*

**Арофат КАНЗАФАРОВА,**
**Оҳангарон шаҳри**

Миннатдорлик

**Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар халқимиз саломатлигини асрашда муҳим аҳамият касб этаётир. Шу ўринда мамлакатимизнинг баҳаво гўшаларида жойлашган санаторийлар фаолиятини алоҳида тилга олиш керак. Кўзни қувонтирадиган иморатлар, замонавий шарт-шароит кайфиятни кўтаради.**

## Эътибордан бошим кўкка етди

Яқинда «Ботаника» санаторийсида дам олиб шундай таассуротга эга бўлдим. Шифокорларнинг муомаласи, юқори савиядаги муолажа таҳсинга сазовор.



Айниқса, бош шифокор ўринбосари Салима Шералиеванинг ҳар бир дам олувчи дардига малҳам бўлишга астойдил ҳаракат қилиши кўнглимни тоғдай кўтарди. Салимахон тимсолида шифокорларга меҳрим янада ошди.

Россия, Украина, Озарбойжон, Грузия ва Молдова каби кўплаб мамлакатлардаги санаторийларда бўлганман. Бугунги кунда юртимиз сиҳатгоҳлари, жумладан, «Ботаника» санаторийсидаги шароитлар улардан қолишмайди. Ўрни келганда Дилрабо Ҳайдарова, Барно Турсунбоева, Нилуфар Қодирова, Зулфия Абдураҳмонова, Нурия Жўраева, Солиҳа Ўразбоева, Барно Мадиёрова каби ҳамшира ва ходимларнинг дам олувчиларга кўрсатаётган эътиборини алоҳида таъкидлашни истардим.

**Ҳайит ҲАМИДОВ,**
**Бухоро вилояти Қоракўл тумани**

Бизга жавоб берадилар

## Тақдимнома киритилди

**«Ishonch» газетасининг 2013 йил 12 ноябрдаги 137-сонида чоп этилган «Музей — маърифий маскан, эътибор ҳам шунга яраша бўлиши керак» номли танқидий мақола Поп тумани прокуратураси томонидан ўрганилди.**

Ўрганиш натижасига кўра, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳақида туман прокуратураси туман ҳокими номига тақдимнома киритди.

Туман ҳокимлиги томонидан тақдимномада кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан ишчи гуруҳ тузилиб, ҳозирда музейни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошланди.

**Ш.ТЎХТАБОЕВ,**
**Наманган вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
N.Mahamov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.10
Topshirildi - 22.30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 1211

13521 nusxada bosildi

1 2 3 4